*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 36 (8276). ● 17 февраль, 1984 йил ● ЖУМА ● Баҳоси 3 тийин.

# ТИНЧЛИК ВА БУНЁДКОРЛИК ЙЎЛИДАН

Оғир жудолик — КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Юрий Владимирович Андроповнинг вафоти коммунистларнинг, миллионлаб совет кишиларининг, бутун тараққийпарвар инсониятнинг қалбини чуқур қайғуга солди. Коммунистик партия ва Совет давлатининг атоқли арбоби, оташин ватанпарвар, ленинчи, тинчлик ва коммунизм учун толмас курашчи ҳаётдан кўз юмди.

Ю. В. Андропов партия ва давлат ишининг ғоят муҳим лавозимларида туриб ўзининг бутун кучи, билими ва ғоят катта ҳаётий тажрибасини партия сиёсатини амалга оширишга, унинг омма билан алоқаларини мустаҳкамлашга, Совет Иттифоқининг иқтисодий ва мудофаа қудратини кучайтиришга сарфлади, халқнинг моддий ва маънавий турмуш даражаси муттасил ўсиб боришини таъминлашга кўп эътибор берди. У социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари ўртасида ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг бирлиги ҳамда жипслигини мустаҳкамлашга, халқларнинг ўз озодлиги ва мустақиллиги йўлидаги адолатли курашини қўллаб-қувватлашга, партиямиз билан давлатимизнинг ленинча ташқи сиёсий йўлини амалга оширишга катта ҳисса қўшди. Буларнинг ҳаммаси уни мамлакатимизда ҳам, шунингдек чет элларда ҳам зўр обрў-эътибор ва иззат-ҳурматга сазовор этди.

Қайғули мотам кунларида партиянинг метиндек жипслиги, унинг халқ билан мустаҳкам бирлиги, танланган йўлга — коммунистик бунёдкорлик ва тинчлик йўлига қатъий амал қилишга бўлган азму қарори ва тайёрлиги яна яққол намоён бўлди. Коммунистлар, барча совет кишилари КПСС ленинчи Марказий Комитети, Марказий Комитет Сиёсий бюроси теварагида ўз сафларини яна ҳам маҳкамроқ жипслаштирмоқдалар. Улар партия сиёсатини астойдил қўллаб-қувватлаётганликларини, шу сиёсатни муттасил амалга ошириш иштиёқида эканликларини билдирмоқдалар.

Партиямиз, бутун совет халқи партия Марказий Комитетининг 1984 йил 13 февралда бўлиб ўтган навбатдан ташқари Пленуми Коммунистик партия билан Совет давлатининг атоқли арбоблари Леонид Ильич Брежнев ва Юрий Владимирович Андропов каби Ленин типидаги раҳбарларнинг содиқ сафдоши ўртоқ Константин Устинович Черненкони бир овоздан КПСС Марказий Комитети Бош секретари этиб сайлаганлиги тўғрисидаги хабарни тўла-тўкис маъқуллаб кутиб олдилар. Совет кишилари, чет эллардаги дўстларимиз Пленум қарорларини Ленин партияси сиёсатидаги давомийликнинг далили деб қабул қилдилар.

«Давомийлик, — деди ўртоқ К. У. Черненко Пленумда сўзлаган нутқида, — мавҳум тушунча эмас, балки жонли, реал ишдир. Бинобарин, унинг моҳияти аввало тўхтамай, олға боришдан иборат. Борганда ҳам, илгари эришилган ҳамма натижаларга таяниб, уни ижодий бойитиб, коммунистларнинг, ишчилар синфининг, бутун халқнинг коллектив фикрини, куч-ғайратини ҳал этилмаган масалаларга, ҳозирги ва келгусидаги энг муҳим проблемаларга қаратишдан иборат. Бу эса ҳаммамизнинг зиммамизга кўпдан-кўп масъулият юклайди».

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Пленумда сўзлаган нутқида, сўнгра эса Қизил майдондаги мотам митингини оча туриб, Коммунистлар партиясининг Совет жамияти ҳаётидаги авангардлик, раҳбарлик ролини таърифлаб берди, партия битмас-туганмас куч-қудрати ва юксак обрў-эътиборининг энг муҳим манбаларини кўрсатиб ўтди. У партия XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумларининг қарорларини муваффақиятли бажаришга доир амалий ҳаракатларнинг аниқ программасини баён этди.

Партиямизнинг кучи — унинг бирлигида, марксизм-ленинизмга содиқлигида, омманинг ижодий активлигини ривожлантириб, уни йўналтира билиш, синалган ленинча принциплар ва методларга амал қилиб, оммани ғоявий ва ташкилий жиҳатдан жипслаштира олиш қобилиятидадир. Партия партиявий раҳбарлик услубини яхшилаш, давлат аппарати ишини такомиллаштириш масалаларига жуда катта эътибор бермоқда, партия комитетларининг вазифалари билан давлат ва хўжалик органларининг вазифалари аниқ чегаралаб қўйилишини, уларнинг ишида такрорланишга барҳам берилишини талаб қилмоқда.

Партиямизнинг кучи — унинг омма билан ғоят чамбарчас алоқасида, миллионлаб меҳнаткашларнинг гражданлик активлигида, ишлаб чиқариш ишларига, жамоат ҳаёти проблемаларига уларнинг омилкорлик билан ёндошувидадир. Коммунистлар партияси ленинча анъанага амал қилиб, ўз йўлини, ўз қарорларини, ҳаракатларини аввало ишчилар синфининг фикр-ўйлари билан, унинг ғоят зўр социал-сиёсий ва синфий сезгиси билан доимо мувофиқлаштириб боради. Ишчилар орасидан, социалистик қурилишнинг олдинги маррасидан айтилаётган сўзга қулоқ солиш, меҳнат аҳли билан маслаҳатлашиб туриш — булар раҳбар коммунистнинг энг биринчи бурчи, ички эҳтиёжи бўлиши лозим.

Партия КПСС Марказий Комитети 1983 йил декабрь Пленуми йўл-йўриқларини изчиллик билан бажаришни бугунги кунда ўзининг бевосита бурчи деб билади. Ана шу Пленумда мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантириш соҳасидаги ишларнинг аҳволига ҳар томонлама баҳо берилди, эришилган суръатни, вазифаларни амалда ҳал этишга бўлган умумий кайфиятни сақлаб қолиш, экономикага партия ва давлат раҳбарлиги даражасини муттасил ошириш, ижобий тенденцияларни активроқ ривожлантириш, уларга барқарор тус бериш муҳимлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Омманинг ташаббусини, меҳнат коллективларининг янги бошлаган ижодий ишларини, уларнинг муқобил планларини, ҳозир, СССР Олий Советига сайлов бўсағасида мамлакатни қамраб олган меҳнат ғайрати ва сиёсий активликни бутун чоралар билан қўллаб-қувватлаш зарур.

Омманинг уюшқоқлилиги ва онглилиги ҳеч сўзсиз социалистик тузумнинг шубҳасиз афзалликлари, имкониятлари жумласига киради. Шу боисдан ҳам партиямиз тартибни, интизомни мустаҳкамлашга эътибор бермоқда. Бу биз учун энг муҳим, принципиал масаладир, чунки ҳар қандай ландавурлик, масъулиятсизлик жамият учун моддий зарар гина келтириб қолмай шу билан бирга жиддий социал, маънавий зиён ҳам етказади. Партиянинг меҳнат интизомини, ишлаб чиқариш, план, давлат интизомини кучайтириш мақсадида социалистик қонунчиликни мустаҳкамлаш юзасидан кўрган тадбирлари чинакам умумхалқ томонидан маъқулланганлиги мутлақо табиийдир. Бу тадбирларнинг амалга оширилиши экономикага, ижтимоий ҳаётга ва кишиларнинг кайфиятига ижобий таъсир қилади. Бироқ ҳали ҳамма иш қилиниб бўлгани йўқ албатта, ҳаёт бу ишда бўшашувчиликка асло йўл қўйиб бўлмайди, деб ўргатмоқда.

Партиямиз халқнинг хоҳиш-иродасини бажара бориб, меҳнаткашларнинг туб манфаатларини аниқ ифода этиб, ишлаб чиқариш самарадорлигини, мамлакатни иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришни жадаллаштириш, халқ фаровонлигини янада ўстириш тўғрисида жуда зўр ғамхўрлик қилмоқда. Иқтисодий тараққиётнинг бош йўналишлари — интенсивлаш, фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, Озиқ-овқат, энергетика программалари ва бошқа комплекс программаларни амалга ошириш, экономикани, бошқариш системасини, бутун хўжалик механизмини такомиллаштириш доимо партиянинг диққат марказида турибди. Белгиланган тадбирларни амалга ошириш ҳар бир партия ташкилотининг кундалик иш марказида бўлиши керак.

Партия бугунги кун вазифаларини ҳал этар экан, истиқболни ҳам кўриб турибди, келгусида яна ҳам юксакроқ марраларга эришиш учун шарт-шароитларни вужудга келтирмоқда. Партия янги, ўн иккинчи беш йиллик ишлаб чиқаришда чуқур сифат ўзгаришларини бошлаб бериши, халқ хўжалигининг барча тармоқларини интенсивлашда ҳал қилувчи бурилиш беш йиллиги бўлиб қолиши керак, деган фикрга асосланади. Совет жамиятининг иқтисодий, социал ва маънавий тараққиётини янада кўпроқ узвий равишда ўзаро боғлашни таъминлаш, янги дунё кишисини камол топтириш ҳақида тинимсиз ғамхўрлик қилиш ҳам жуда муҳимдир. КПСС Марказий Комитети янги таҳрирдаги партия программасини тайёрлашга ғоят катта аҳамият бермоқда. Ана шу программа ривожланган социализмни такомиллаштиришнинг катта ва мураккаб вазифалар комплексини идрок этишга, уларни ҳал қилишнинг узоқ муддатли аниқ-равшан стратегиясини белгилашга, кундалик ишларимизнинг коммунистик истиқбол билан боғлиқлигини кўрсатишга ёрдам бериши керак.

Ниҳоятда кескинлашиб кетган ҳозирги мураккаб халқаро вазиятда партиямиз, Совет давлати тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш учун инсониятни ядро уруши хавфидан халос этиш, ўзаро манфаатли халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаштириш учун имкони бўлган ҳамма ишни қилмоқдалар. Совет Иттифоқи жаҳон майдонида ўзининг ишончли иттифоқчилари — социалистик ҳамдўстликдаги қардош мамлакатлар билан биргаликда ҳаракат қилмоқда. Совет коммунистлари инсониятнинг тинч келажаги ва тараққиёти учун курашда миллион-миллион синфдош қардошлар билан, жаҳон коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг кўп сонли отрядлари билан қўлни-қўлга бериб бормоқдалар. Советлар мамлакати мустамлака қарамлиги сиртмоғини улоқтириб ташлаб, мустақил ривожланиш йўлига ўтган, айниқса империализм агрессив кучларининг хуружларини қайтараётган халқлар билан бирдамдир. Улуғ Ленин бизга турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаш принципини васият қилиб қолдирган. Биз шу принципга доимо содиқмиз. Шу билан бирга СССР империализм кучларининг телбанамо ҳаракатларига, уларнинг дунёда эришилган ҳарбий мувозанатни бузиш йўлидаги уринишларига қатъий зарба бермоқда. Биз ўзимизнинг мудофаа қобилиятимизни мустаҳкамлаш, урушқоқ авантюрачиларнинг жазавасини пасайтира оладиган етарли воситаларга эга бўлишимиз ҳақида ғамхўрлик қилмоқдамиз.

Буюк социалистик давлат бўлмиш Совет Иттифоқи тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш учун халқлар олдидаги ўз масъулиятини тўла-тўкис англайди, деди ўртоқ К. У. Черненко. Биз барча қитъалардаги давлат билан тинч, ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилишга тайёрмиз. Биз барча низоли халқаро проблемалар жиддий, тенг ҳуқуқли, амалий музокаралар йўли билан тинч ҳал этилиши тарафдоримиз. СССР халқаро кескинликни камайтиришга амалий ишлар билан ёрдам беришга, дунёда ишонч муҳитини вужудга келтиришга тайёр бўлган барча давлатлар билан тўла-тўкис ҳамжиҳат иш кўраверади.

Партиямизнинг мана шу қатъий тинчликсевар йўлини совет халқи тўла-тўкис қўллаб-қувватламоқда. Бу йўлни холис ниятли барча кишилар тушуниб маъқулламоқдалар.

Совет кишилари жонажон Коммунистик партияга чексиз ишонадилар, унинг ички ва ташқи сиёсатини актив қўллаб-қувватламоқдалар. Партия халққа фидокорона хизмат қилиб, шу ишончни қозонди ва уни тобора мустаҳкамлаб бормоқда. Коммунистлар, бутун халқимиз партия бизни Ленин йўлидан, илмий жиҳатдан тўғри, тинчлик ва бунёдкорлик йўлидан янги зафарларга бошлаб бораётганлигини биладилар.

(«ПРАВДА» газетасининг 16 февралдаги бош мақоласи).

# КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ, СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДАН

Оғир жудолик — Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Юрий Владимирович Андропов вафоти муносабати билан КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети номига иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, Олий Совет Президиумлари ва Министрлар Советларидан, партия, совет ва жамоат ташкилотларидан, корхоналар, муассасалар, қурилишларнинг, колхоз ва совхозларнинг, ўқув юртларининг меҳнат коллективларидан, Совет Армияси ва Флоти жангчиларидан, партия ветеранларидан, Улуғ Ватан уруши қатнашчиларидан, айрим гражданлардан таъзияномалар келди.

Таъзияномаларда Коммунистик партия билан Совет давлатининг, жаҳон коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг атоқли арбоби, Совет Ватанининг оташин ватанпарвари, тинчлик учун матонатли курашчи, бутун ҳаёти меҳнаткашлар манфаатларига, коммунизм қурилишига хизмат қилишга батамом бағишланган инсон — Ю. В. Андропов вафоти муносабати билан чуқур қайғу изҳор этилади.

Таъзияномаларда қайд этиб ўтилганидек, Ю. В. Андроповнинг фаолияти КПССнинг раҳбарлик ва раҳнамолик ролини, Коммунистик партия ва совет халқининг бузилмас бирлигини янада мустаҳкамлаш билан, етук социализм жамиятини такомиллаштириш стратегиясини ривожлантириш ва конкретлаштириш, ишлаб чиқаришни интенсивлаш, партия интизомини, давлат ва меҳнат интизомини кучайтириш, совет кишиларининг моддий фаровонлигини ошириш ва уларни коммунистик руҳда тарбиялашни яхшилаш, мамлакатнинг мудофаа қудратини мустаҳкамлаш, партия ишлаб чиққан Тинчлик программасини амалга ошириш борасидаги кенг кўламли тадбирлар билан чамбарчас боғлиқдир.

Таъзияномаларда таъкидланадики, Ю. В. Андропов назарияда ва сиёсатда ҳамиша ленинизмга содиқ бўлиб, партиянинг КПСС XXVI съезди ва Марказий Комитетнинг кейинги Пленумлари қарорларини амалга ошириш соҳасидаги ишига шахсан катта ҳисса қўшди, социал-иқтисодий ва маданий қурилиш вазифаларини ҳал этишга ижодий, илмий ва реалистик ёндошувни, партия органларининг фаолиятида коллективчиликни тинимсиз қарор топтирди, бизнинг дунёқарашимиз ва турмуш тарзимизга ёт бўлган ҳамма нарсаларга нисбатан муросасиз эди.

Ю. В. Андропов вафоти муносабати билан социалистик давлатларнинг раҳбарлари ва меҳнаткашларидан, коммунистик, ишчи, революцион-демократик партиялар ва прогрессив ташкилотлардан кўпдан-кўп таъзияномалар олинди. Давлатлар ва ҳукуматларнинг бошлиқларидан, дунёдаги кўпгина мамлакатларнинг жамоат ташкилотлари ва гражданларидан ҳам таъзияномалар келди. Улар Юрий Владимирович Андроповнинг фаолиятини Коммунистик партия ва Совет давлатининг тинчлик ҳамда халқаро хавфсизлик йўлидаги изчил кураши билан, қуролланиш пойгасини жиловлашга, ядро уруши хавфининг олдини олишга қаратилган муҳим ташаббуслар билан боғламоқдалар. Қардош мамлакатлар ва Коммунистик партияларнинг, революцион — озодлик ҳаракатларининг раҳбарлари социалистик мамлакатлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда кучайтиришда, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати бирлиги ҳамда жипслигини мустаҳкамлашда, халқларнинг озодлик ва мустақиллик учун олиб бораётган курашини қўллаб-қувватлашда Ю. В. Андроповнинг катта хизматларини қайд этмоқдалар.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Юрий Владимирович Андропов вафоти муносабати билан ўз таъзияномаларини йўллаган барча партия, совет ва жамоат ташкилотларига, меҳнат коллективларига, Совет Армияси ва Флоти жангчиларига самимий миннатдорчилик билдирадилар.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети совет халқи оғир жудоликка учраганлиги сабабли партиямиз ва мамлакатимиз билан бирдам эканликларини намойиш этган чет эллардаги ўртоқлар ва дўстларга, социализм мамлакатларининг меҳнаткашларига, қардош партияларга, социал тараққиёт учун курашчиларга, барча кишиларга сидқидилдан миннатдорчилик изҳор этадилар.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Юрий Владимирович Андроповнинг вафоти муносабати билан қайғумизга ҳамдард бўлган давлатлар ва ҳукуматларнинг барча раҳбарларидан, давлат ва жамоат арбобларидан чуқур миннатдордирлар.

Шу кунларда совет кишилари Коммунистик партия билан унинг ленинчи Марказий Комитети теварагида яна ҳам маҳкамроқ жипслашдилар. КПСС Марказий Комитети навбатдан ташқари Пленумининг қарорларини, партиянинг ички ва ташқи сиёсатини қизғин ва якдиллик билан қўллаб-қувватлаётганликларини изҳор этдилар. Юрий Владимирович Андропов ўз ҳаётини бағишлаган коммунизм идеаллари тантанаси учун бундан буён ҳам фидокорона курашишга бўлган букилмас иродани намойиш қилдилар.

**КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ** — **СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ** — **СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ**

## ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА СОЮЗЛАРИ РЕСПУБЛИКА СОВЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

# РЕСПУБЛИКА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ХОДИМЛАРИНИНГ 1983 ЙИЛДА ДЕҲҚОНЧИЛИК ВА ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШ ҲАМДА ТАЙЁРЛАШНИ КЎПАЙТИРИШ УЧУН ЎТКАЗИЛГАН РЕСПУБЛИКА СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАСИНИНГ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Республика қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съездининг тарихий қарорларини изчиллик билан амалга ошира бориб, Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб ниҳоятда оғир об-ҳаво шароитида давлатга пахта сотиш планини бажардилар. Тайёрлов пунктларига 5 миллион 930,5 минг тонна пахта етказиб берилди, давлатга дон, каноп, тамаки, сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари, мева, узум, асал сотиш планлари ошириб адо этилди. Давлатга 1 миллион тоннадан кўпроқ дон, 3 миллион тоннадан зиёд мева-сабзавот маҳсулотлари сотилди.

Республика чорвадорлари йилни муваффақиятли тугалладилар. Давлатга гўшт, жун, қоракўл тери, пилла сотиш планлари ошириб бажарилди.

Республика сув хўжалиги, тайёрлаш ташкилотларининг, Госкомсельхозтехника ремонт корхоналарининг коллективлари, ўрмон хўжалиги, хўжаликлараро муассасалар, агросаноат, илмий-ишлаб чиқариш ва илмий-тадқиқот муассасаларининг ходимлари катта муваффақиятларга эришдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети ишлаб чиқариш самарадорлиги ҳамда иш сифатини ошириш, 1983 йилги халқ хўжалик планини муваффақиятли бажариш учун ўтказилган социалистик мусобақа якунларини кўриб чиқиб қуйидагиларни республика социалистик мусобақаси ғолиблари деб топишга ҳамда уларни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари, дипломлар ва пул мукофотлари билан тақдирлашга қарор қилдилар:

## ТОШКЕНТ ОБЛАСТИДАН

Бўка райони,

Калинин райони,

Тошкент районидаги Карл Маркс номли колхоз,

Бекобод районидаги В. И. Ленин номли колхоз,

Ғалаба районидаги «Ленинград» колхози,

Чиноз районидаги А. Навоий номли колхоз,

Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхоз,

Калинин районидаги Охунбобоев номли совхоз,

Янгийўл районидаги «Новомихайловский» совхози,

Тошкент район «Сельхозхимия» бирлашмаси,

Республика «Узгипросельстрой» лойиҳа институти,

Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти,

Ўзбекистон ССР мева-сабзавот хўжалиги министрлигининг Тошкент область мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш хўжалик ҳисобидаги агросаноат бирлашмасига қарашли Мусамуҳамедов номли совхоз-завод,

Янгийўл районидаги Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш институти,

Главсредазирсовхозстройнинг «Средазспецстрой» тресги,

Ўзбекистон ССР тайёрлаш министрлигининг Тошкентдаги 1-ун заводи,

Ўзбекистон ССР тайёрлаш министрлигининг Оҳангарон ғалла маҳсулотлари комбинати,

Тошкент область қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш-техника таъминоти ишлаб чиқариш бирлашмаси,

Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги,

Тошкент область сув хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармаси.

Область ва район партия комитетларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ва район ижроия комитетларига, қишлоқ хўжалик министрликлари ва идоралари ҳамда уларнинг жойлардаги органларига, касаба союз ва комсомол ташкилотларига, колхозлар, совхозлар ҳамда бошқа корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарлари билан мутахассисларига 1983 йил якунларини чуқур анализ қилиш, республика социалистик мусобақасининг ғолиблари бўлган илғор хўжаликлар, корхоналар, ташкилотлар, районларнинг тажрибасини умумлаштириш ва кенг кўламда оммалаштириш, бунинг учун радио эшиттиришдан, телевидениедан, вақтли матбуотдан ва бошқа оммавий ахборот воситаларидан кенг фойдаланиш, қолоқ хўжаликлар ва корхоналарнинг ишларини яхшилашга доир конкрет тадбирларни белгилаб амалга ошириш, ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришда, 1984 йил учун қабул қилинган социалистик мажбуриятларни бажаришда уларга доимий ёрдам бериш таклиф қилинди.

* * *

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети республика социалистик мусобақасида ғолиб чиққан колхозчиларни, совхозларнинг ишчиларини, қишлоқ хўжалиги, бошқа давлат корхоналари ва ташкилотларининг раҳбарлари ҳамда мутахассисларини, партия, совет, касаба союз, комсомол, қишлоқ хўжалиги органларининг ходимларини қизғин қутладилар ва улар КПСС XXVI съезди қарорларини бажара бориб, 1984 йилги планлар билан социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажариш учун умумхалқ социалистик мусобақаси байроғини яна ҳам баланд кўтарадилар, деб қатъий ишонч билдирдилар.

# К. У. ЧЕРНЕНКО ЧИОНГ ТИНЬ БИЛАН СУҲБАТЛАШДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари К. У. Черненко 15 февралда Вьетнам Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ВСР Давлат кенгашининг раиси Чионг Тинни қабул қилди. Суҳбатда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико ва КПСС Марказий Комитетининг секретари К. В. Русаков қатнашдилар.

К. У. Черненко Ю. В. Андроповнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдирганликлари учун Вьетнам раҳбарларига, бутун Вьетнам халқига миннатдорчилик изҳор этди.

Фикрлашув чоғида иккала томон КПСС билан ВКП-нинг, совет ва вьетнам халқларининг дўстлиги ҳамда ҳамкорлигини марксизм-ленинизм ва социалистик интернационализм асосида мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга азму қарор берганлигини изҳор этди.

Совет Иттифоқи билан Вьетнам халқлар тинчлиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш йўлидаги ўз курашини изчиллик билан давом эттиришни ўзларининг бурчи деб ҳисоблайдилар. К. У. Черненко билан Чионг Тинь Осиё қитъасида яхши қўшничилик ва ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлаш, Жануби-Шарқий Осиёни тинчлик ва барқарорлик зонасига айлантириш соҳасидаги куч-ғайратлар муҳимлигини уқтирдилар.

Учрашув қардошларча дўстлик ва фикрларнинг тўла бирлиги вазиятида ўтди.

(ТАСС).

# К. У. ЧЕРНЕНКО Д. ОРТЕГА БИЛАН СУҲБАТЛАШДИ

15 февраль куни КПСС Марказий Комитети Бош секретари К. У. Черненконинг сандиночилар миллий озодлик фронти миллий раҳбарлигининг аъзоси, Никарагуа миллий уйғониш ҳукумати раҳбар кенгашининг координатори Даниэль Ортега билан учрашуви бўлди. Учрашувда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико ва Никарагуа Ташқи ишлар министри М. Д'Эското қатнашдилар.

К. У. Черненко Ю. В. Андроповнинг вафоти муносабати билан Никарагуа халқи ва ҳукумати номидан Д. Ортега топширган таъзиянома учун миннатдорчилик билдирди.

Қисқача фикрлашув чоғида Марказий Америкадаги аҳволга алоҳида эътибор берилди. Шу муносабат билан иккала томон Вашингтоннинг кескинликни кучайтиришга, шу район мамлакатларининг ички ишларига аралашишга, уларга ўз тартибларини тиқиштиришга уринишини кескин қоралади. Ҳар бир халқнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини ҳурмат қилиш асосида масалаларни одилона сиёсий бартараф этишга эришиш зарурлиги таъкидланди.

К. У. Черненко ўз Ватанининг озодлиги ва мустақиллигини қаттиқ туриб ҳимоя қилаётган Никарагуа халқининг ҳаққоний ишини совет халқи қатъият билан қўллаб-қувватлашини билдирди.

Дўстлик ва бирдамлик муҳитида ўтган суҳбатда совет томонидан — КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчилари А. М. Александров ва В. В. Прибитков; Никарагуа томонидан сандиночилар миллий озодлик фронти миллий раҳбарлигининг секретари Р. Нуньес ва Никарагуанинг СССРдаги элчиси Х. Суарес ҳам иштирок этдилар.

(ТАСС).

# К. У. ЧЕРНЕНКО Б. КАРМАЛ БИЛАН УЧРАШДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари К. У. Черненко Ю. В. Андроповни дафн этиш маросимига келган Афғонистон Халқ Демократик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, АДР Революцион Кенгашининг Раиси Б. Кармал билан 15 февраль куни Кремлда учрашди. Суҳбатда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико қатнашди.

Суҳбат самимий, дўстона вазиятда ўтди. К. У. Черненко билан Б. Кармал Совет-афғон муносабатларининг принципиал масалалари ва Афғонистон теварагидаги вазият юзасидан қисқача фикрлашиб олдилар.

Ҳар икки томон КПСС билан АХДП, Совет Иттифоқи билан Афғонистон ўртасидаги мавжуд анъанавий дўстона муносабатлардан мамнуният изҳор этди ва бу муносабатларни янада ҳар томонлама ривожлантиришга ҳамда мустаҳкамлашга интилаётганлигини билдирди.

(ТАСС).

# К. У. ЧЕРНЕНКО КАНАДА БОШ МИНИСТРИ БИЛАН СУҲБАТЛАШДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари К. У. Черненко 15 февраль куни Кремлда Канада бош министри П. Э. Трюдони қабул қилиб, у билан суҳбатлашди. Суҳбатда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико қатнашди.

К. У. Черненко Канада ҳукумати ва халқи Ю. В. Андропов хотирасига билдирган ҳурмат учун П. Э. Трюдога совет раҳбарларининг миннатдорчилигини изҳор этди.

Суҳбат давомида иккала томон дунёдаги кескинлик кучайганлигидан жиддий ташвиш изҳор этди. Шу муносабат билан Совет Иттифоқи ва Канада кескинликни юмшатиш, давлатлар ўртасидаги муносабатларда ишончни вужудга келтириш ва давом эттириш йўлига қайтиш мақсадида куч-ғайрат сарфлашга тайёр эканликлари тасдиқланди.

Совет томонидан шу нарса таъкидландики, СССР барча мамлакатлар билан сиёсий мулоқот тарафдоридир, бундай мулоқот одилона, тенг ҳуқуқли асосда олиб борилиши ва конкрет аҳдномаларга эришиш мақсадини кўзлаши лозим.

Иккала томоннинг СССР билан Канада ўртасидаги икки томонлама муносабатларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш учун мавжуд резервлардан фойдаланиш нияти ҳам билдирилди.

Суҳбатда Совет томонидан — КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчилари А. М. Александров ва В. В. Прибитков; Канада томонидан — Канада ташқи ишлар министрлиги бўлимининг бош директори П. Хэнкок ва Канаданинг СССРдаги элчиси П. Робертс ҳам қатнашдилар.

(ТАСС).

